



КЕЛИШУВ БИТИМИ ВА МЕДИАЦИЯ, УЛАРНИНГ БИР-БИРИДАН ФАРҚИ.

Навоий вилоят суди судьяси:

Л.Тошмуродов

Учқудуқ туман иқтисодий

суди раиси: Д.Турдиев

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада Иқтисодий судларда низоларни судгача ҳал қилишнинг муқобил усуллари, хусусан тарафлар низони келишув битими ёки медиатив келишув тузиш орқали ҳал қилиши мумкинлиги, ушбу келишувларнинг тушунчаси, қайси тоифадаги низолар бўйича мазкур келишувларни тузиш мумкинлиги ҳамда унинг ҳуқуқий оқибатлари, шунингдек келишув битими ва медиациянинг бир-биридан фарқи ҳақида баён этилган.

Калит сўзлар: суд, низо, келишув битими, медиация, медиатив келишув, тарафлар, тадбиркорлик фаолияти, меҳнат низолари, оила, ярашув, Кодекс.

Давлатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги иқтисодий ислохотлар натижасида хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг ўз ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини чуқур англаб олишлари, иқтисодиёт ва ҳуқуқ соҳасидаги қарашларнинг тубдан ўзгараётганлиги, ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг чуқурлашуви, иқтисодий қонунчиликнинг эркинлашуви ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти ҳуқуқий асосларининг мустаҳкамланиши суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга оширишни янада жадаллаштиришни хусусан, низоларни судгача ҳал қилишнинг муқобил усулларидан фойдаланишни тақозо этмоқда.

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига биноан, суднинг асосий вазифалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси [Конституцияси](#) ва бошқа қонунлари, халқаро шартномаларида, шунингдек инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда қафолатланган ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини, давлат ва жамоат манфаатларини, юридик шахслар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Суднинг фаолияти қонун устуворлигини, ижтимоий адолатни, фуқаролар тинчлиги ва тотувлигини таъминлашга қаратилгандир.



Маълумки, иқтисодий судда тарафлар муайян моддий-ҳуқуқий низо юзасидан тўқнашади. Ушбу тўқнашув келгусида суд томонидан ҳал қилув қарорини қабул қилиш билан яқунланиши ёки тарафлар ўртасида келишувга эришиш муносабати билан ўз ниҳоясига етиши мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари учун ҳар дақиқа кадрли бўлган бир пайтда узоқ вақт давом этадиган суд жараёнлари фойдасиз ҳисобланади. Шунинг учун, бугунги кунга келиб низоларни суд томонидан ва суддан ташқари ҳал этишнинг тезкор жараёни зарур бўлмоқда. Шу муносабат билан, келишув битими ёки медиатив келишувни тузиш суд жараёнини соддалаштириш, уни тезроқ яқунлаш орқали муаммоларни ҳал этишнинг самарали усули сифатида намоён бўлмоқда.

Бизнинг қонунчилигимиз эса томонларга низоларни судгача ҳал қилиш усулларида фойдаланиш имкониятини беради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида низоларни тарафларни яраштириш тартиб-таомиллари орқали ҳал қилиш ҳақида нормалар мавжуд. Иқтисодий суд иши юритишида тарафлар суд жараёнини исталган вақтда ва исталган инстанцияда келишув тузиш йўли билан яқунлашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) талабига кўра, иқтисодий судлар низоларни кўришда тарафларни келиштириш чораларини кўради.

Бундай келиштириш чоралари ИПКнинг 131-моддасига мувофиқ, келишув битими ёки медиатив келишув тузиш ҳисобланади.

Келишув битими ёки медиатив келишув даъво тартибидаги ҳар қандай иш бўйича тузилиши мумкин.

Хўш, келишув битими ва медиатив келишувнинг ўзаро фарқли жиҳатлари нималардан иборат?

Қуйида уларнинг фарқини санаб ўтамыз.

1. Медиация - “medium”, яъни “воситачи” сўзи билан таърифланган бўлиб, келиб чиққан низони тарафлар ўзаро мақбул қарорга эришиши учун уларнинг ихтиёрий розилиги асосида медиатор кўмагида ҳал қилиш усули ҳисобланади.

Келишув битими деганда эса, тарафлар ўзаро келишишга асосланган, даъво талаби ёки низо бўйича аниқликка эришишга қаратилган низони ҳал қилиш тўғрисидаги тарафларнинг ёзма келишуви тушунилади.

2. Медиация 3 та тоифа низолар бўйича қўлланилиши мумкин. Булар: а) фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан, шу жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган низолар, б) якка меҳнат низолари, в) оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар.

Келишув битими эса тарафлар томонидан иқтисодий судлардаги низолар бўйича тузилиши мумкин.



3. **Медиатив** келишувда тарафлар вужудга келган низоларни Медиатор кўмагида ҳал қилади.

Келишув битими эса, агар унинг шартлари қонунчиликка зид бўлмаса, учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлмаса ҳамда у шарт асосида тузилмаган бўлса, фақатгина суд томонидан тасдиқланади.

4. Тарафлар ўртасида **медиатив келишув** тузилган бўлса, даъво аризаси ИПКнинг 107-моддаси 5³-бандига асосан кўрмасдан қолдирилади. Бунда тарафлар томонидан медиатив келишув шартлари бажарилмаган тақдирда, манфаатдор тараф ўз ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун янгидан судга мурожаат этишга ҳақли бўлади.

Тарафлар ўртасида **келишув битими** тузилганда эса, даъво аризаси бўйича иш юритиш ИПКнинг 110-моддаси 7-бандига биноан тугатилади ва мазкур низо юзасидан судга такроран мурожаат қилишга йўл қўйилмайди.

5. **Медиатив келишувда** медиаторлар далилларни текширмайди ҳамда уларга баҳо берамайди, аксинча тарафларни бир-бирларини тушунишга, келиб чиққан низони ўзаро мақбул шартларда ҳал этишга кўмаклашади.

Келишув битимида эса суд далилларга баҳо беради, агар битим шартлари қонунчиликка зид бўлса, келишув битимини тасдиқламайди.

6. **Медиатив келишув** амалда суддан ташқари ҳужжатлар сирасига киритилган. Қонунда медиатив келишувни мажбурий ижро этиш ва у бўйича ижро варақасини бериш кўрсатилмаган.

Келишув битими эса суд томонидан тасдиқланадиган ҳужжат бўлиб, унинг шартлари бажарилмаган тақдирда, манфаатдор тарафнинг мурожаатига асосан бу бўйича ишни кўрган суд томонидан ижро варақаси берилади.

7. Тарафлар ўртасида **медиатив келишув** тузилганда, тўланган давлат божи қайтарилади, бундан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш жараёнида медиатив келишув тузилган ҳоллар мустасно.

Келишув битими тузилганда эса тўланган давлат божи қайтарилмайди, аксинча агар тўланмаган бўлса, ИПКнинг 118-моддаси талаблари асосида ҳал этилади.

Хулоса қилиб айтганда, судларда низоларни кўришда тарафлар томонидан ярашув тартиб-таомилларини танлаш ва натижада келишув битими ёки медиатив келишув тузиш процесс иштирокчиларининг хоҳишига боғлиқ ҳисобланади.